

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

## САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Азиз ватандошларим!  
Мухтарам дустлар!

Таваллудимнинг 60 йиллиги муносабати билан юксак ҳурмат ва иззат курсатиб, узоқ-яқиндан табрик, хат ва мактуб йуллаган давлат раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар, маҳаллалар ва жамоалар, барча юртдошларим ва ватандошларимга узимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Шаънимга айтилган эзгу тилакларни, авваламбор, Ўзбекистон халқига ва давлатимизга бўлган эҳтиром, мамлакатимиз истиқболига ишонч деб биламан.

Мени устириб вояга етказган, етакчилик масъулиятини ишониб топширган, янгиланаётган ҳаётнинг оғир юкларини елкасида кутариб, юртимизда тинчлик ва осойиш-

талиكنи сақлаш, келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб ишга азму қарор қилган меҳнатсевар, бағри кенг, оқибатли халқимизга фарзандлик меҳрини изҳор этаман.

Мактубларда аке этган ҳароратли сатрлар, уйғоқ фикрлар халқимизнинг уткир заковатидан, қалби нақалар гузал ва бой эканлигидан далолат. Бундай донишманд халқ ҳар қандай эъозга, энг ёруғ тақдирга ва иқболга муносибдир.

Азизлар!

Барча-барчангизни бағримга босиб айтадиган ягона тилагим шуки, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, кекса-ю ёш барча ватандошларимизнинг умрини ва бахтини берсин. Яратганимиз уз паноҳида сақласин.

Ислом КАРИМОВ

## Президентга мактуб

### ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Шу йил 1 феврал куни Тошкент вақти билан соат 2 дан 30 дақиқа утганда «Шаттл-Эндивер» космик кemasи Канаверал бурнидаги (Хюстон) полгонга эсон-омон қўнди.

Карантип тадбирлари амалга оширилганидан кейин куннинг иккинчи ярмида экипажли НАСА раҳбарияти билан таништирув маросими бўлди. Сунгра уларга қисқа муддат мобайнида яқинлари ва кутиб олувчилар билан учрашишга иттиозат берилди. Космонавт Солижон Шариповни отаси, рафиқаси, акаси ҳамда академик Ш. Воҳидов кутиб олишди. Бу учрашувдан сунг космонавтлар кейинги тиббий назорат ҳамда дам олишга жунаб кетишди.

Парвоз муваффақиятли яқунланганидан сунг космонавт Солижон Шарипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мактуб йуллади.

(ЎЗА).

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Ислом Абдуганиевич!

Мен, Шарипов Солижон, америкалик астронавт касбдошларим билан коинотга «Шаттл-Эндивер» космик кemasида учгандан кейин ерга соғсаломат қайтиб тушдим.

Мен ва умр йулдошим ўзбек оиласида — Қирғизистоннинг Узган шаҳрида туғилиб усганмиз. Коинотга учиб тайёргарлигини Россия космонавтлар тайёрлаш марказида уддим.

Ўзбекистонда менинг купгина мухтарам узтозларим, яқин дустларим, қариндошларим ва шоғирларим бор.

Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро аэро-космик мактабнинг ўқувчиларига коинот ва авиация соҳасидаги янгиликлардан сабоқ берайман, ҳамда имконим борича мактабни видеофильмлар, қўлланмалар, китоблар, плакатлар ва айрим асбоб-усқуналар билан таъминлашда ёрдам курсатмоқдаман. Бу ишда менга устоз ва касбдошларим — космонавтлар В. Жонибеков, Г. Стрекалов, Т. Мусабоев, Ю. Маленченко сийқидилдан ёрдам бермоқда.

Ўзбек олимлари ва мутахассисларининг коинот ва авиация соҳаларидаги ютуқлари ва салоҳиятидан хабардорман. Улар билан тез-тез учрапиш, илмий мунозаралар, дустона мулоқотлар утказиш имконияти борлигидан ниҳоятда хурсандман ва ватандошларимнинг бой тажрибаларидан кундалик ҳаётимда фойдаланаман.

Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг космонавтика ва авиация соҳаларида ҳам жаҳонда узининг муносиб урнини эгаллашини ҳамда шухратига-шухрат қўшилишини жуда истайман.

Бу мақсад йулида Ўзбекистон фазогирлари билан узимнинг билимим ва бор тажрибамни баҳам қуришга доим тайёрман.

Ҳурматли Ислом Абдуганиевич!

Сизга Ўзбекистонни янада гуллаб-яшнатиш ва ривожлантириш йулида амалга ошираётган хайрли ишларингизда куч-қувват, мустаҳкам соғлик, муваффақият тилайман. Барча ишларингизда доимо омад сизга ер бўлсин.

Эҳтиром билан,  
Солижон ШАРИПОВ,  
космонавт.

Хюстон, АҚШ.



Бу дунё хуш офтобларга тўлиб кетар  
Кулганида ўзбегимнинг болалари.

# САДОҚАТ ТАРК ЭТМАСИН

1998 йил — Оила йили

Ишдан қайтаётсам кўшнимизнинг дарвозаси олдида каттакон юк машинаси турибди. Икки-уч киши ундаги нарсаларни туширишяпти. Юрагим «шув» этиб кетди. Кўшнимизнинг маъюслигини курғач эса ҳамма гапга тушундим...

Бундан бир йил муқаддам туй-томоша билан Шаҳнозани келинлик ҳовлисига узатиб боргандик. Келин куёвга, қудалар бир-бирларига узукка қўз қўйгандек мос эдилар. Илоҳим, қуз тегмасин, деб дуо қилгандик ушанда. Бироқ қуз тегди. Шаҳнозахон билан қуз келин бўлиб тушган Барнонинг бўйида бўлди. Уша кундан бошлаб Шаҳнозанинг ташвишли кунлари бошланди. Гоҳ Бахтиёр акасининг, гоҳ қайнонасининг, гоҳида эса қўни-қўшнилари билан бўлмади айтган гаплари Шаҳнозанинг дилни игнадек тешиб утадиган бўлди. Ойисининг, қайнонасининг маслаҳати билан шифокорларга учради. «Хали тўлақ балогагга етмагачисиз, бир-

икки йил кутишингизга тўғри келади», — дейишди шифокорлар.

— Бир-икки йил?! — ҳайқирди Бахтиёр.

— Улимнинг шунча умри беҳуда утадими? — чимрилли қайнона. — Эртага акасининг углига бешик олсак, уксимайди ми болам шўрлик.

— Ойижон, бешикни кейинроқ, Шаҳноза билан бирга олаверамиз, — ич-ичидан овсинига хайрихоҳ бўлди овсини.

— Худо биледи-да. Хали бир-икки йилгача нима гап-суз, узи буладиган гапми... Яхшиси, вақтида йиғиштириб қўя қолайлик, болам. Қовуннинг ҳам эртагиси яхши, кечкисини совуқ олади.

Бизниям боғлаб бермаган. Орзу-хавасингни қилайлик, — деди қудам. Бахтиёржон ҳам бирор оғиз гап айтмади, фақат чекиб утираверди. Шундай бўлгач, кўчини олиб келавердик, тор қорнимга сиққан кент уйимга ҳам сиғиб қолар, уйи бузилган битта буми. Пешонасидаги уни курар, — қўшнимнинг кузи-

да ёш мизтиради.

Шаҳнозанинг розилигини олгунча неча оёқ кийимни тузгитган қудаси тушмагур наҳотки шунчаликка борган бўлса! Хали бир-бирга туйиб улгурмаган ёшларга дала бериш, ёш оилани асраб қўлиш урнига...

Шуларни уйларканман, беихтиёр қуз олдимга қайнагачим, у кишининг ниҳоятда мулозим, ширинсуз қайноналари келди.

Дилоромни эрта турмушга бергани учунми, ҳадеганда бўйида булавермади.

— Хали узи бола, худо берса, вақти-соати билан бўлиб қолар, — дерди қуда хола сураганларга.

Умр—оқар сув, ҳаш-пап дегунча орадан беш йил ҳам ўтиб кетибди. Бу орада овсини икки-тар фарзандли бўлди. Дилором овсинининг болаларига бажонидил қаради. Бироқ ҳеч ким ҳеч нарса демаса ҳам кечалари гоҳ йиғлаб, гоҳ ух тортиб чиқар, баъзан турмуш уртоғидан жавобини беришни сураб, бошқага

уйланиб, бола-чақа қуриши кераклигини айтарди. Ҳошимжон ҳеч нарса демас, аксинча, мана шу ҳовлидаги ҳамма болалар уларники эканлигини айтиб, кунлини кутаришга уринарди.

Бир куни қайнона учта углини ёнига қақирди.

— Мана, олти йил бўлибдики, бирортамиз ҳам Дилоромхондан бир оғиз ёмон гап эшитмадик. Мен-ку қизим Анорни қандай курсам, Дилоромни ҳам ундан кам курмайман. Фарзанд билан давлатнинг эрта-кечи йўқ. Бировга беш кун олдин бўлса, Бировга беш кун кейин. Кунлилим сезиб турибди, яқинда Дилоромга ҳам Оллоҳ оналик бахтини беради. Биз Исом билан келишимиз. Бугундан бошлаб Нодира сизларники. Исомиддин ҳам, келин ҳам рози.

Ҳошимжон «ялт» этиб Дилоромга қаради. Дилором кузидан оққан ёшларини яширишга ҳам уринмасдан, пинжита тикилиб утирган Нодиранинг бошларини силарди. Бу қайнонанинг оқилалигидан, овсини-

нинг бағри кенлигидан оққан миннатдорчилик ёшлари эди. Она дуога қўл очди. Дуо билан эл кукаради, деганларидек, Нодирахон бу хонадонда яшай бошлаганининг учинчи йили оиладан чақалоқ йиғиси эшитилди. Яхши ният билан унга Умиджон деб исм қўйдилар. Чунки бу хонадон ун йил ана шу тугилажак уғлон умиди билан яшади-да. Бирин-кетин Нодиранинг Ҳамид, Жамшид деган укачалари дунёга келди. Дилором ҳам, Ҳошимжон ҳам бахтдан яшариб кетишди. Қуда хола эса етти маҳаллани чақириб ош берди. Бу тўйда қайнонасига бош-оёқ сарпо кийдирган Дилором уни бағрига қаттиқ босаркан, «Раҳмат онажон», дея олди, холос.

Шу билгине «Раҳмат» сузида ун йил кутилган фарзандларини берган Оллоҳга шукрона, меҳридаре, оқибатли қайнонага, кенгфелъ, оқила овсинига беадал миннатдорчилик туйғулари мужассам эди.

Муҳаббат ҲАМИДОВА

## КЕЛИНЛАР КҮРИШИ

Ахборот

Куни кеча Ангрен шаҳрида «Энг ибратли келинчақ» курик-танлови катта қизиқиш ва шукҳ билан ўтди. Мазкур танлов шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Экосан» халқаро жамғармаси ҳамда ёшларнинг «Қамолот» жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилди. Курик-танловда жами 7 келин қайноналари билан қатнашиб, ўз иқтидор, маҳоратларини томошабинларга намойиш этдилар.

Қизиқарли ва ҳаяжонли ўтган бу курик танловда Ангрен шаҳридаги Қорабоғ маҳалласида истиқомат қилувчи Дилнавоз Ҳотамова фахрли биринчи уринни эгаллади. Иккинчи уринни Гулбоғ маҳалласидан Доноҳон Олтибосва ва учинчи уринни Нуробод маҳалласидан Гузалой Қобуловалар эгалладилар.

Ғолибларга курик танлов ташкилотчилари ҳамда «Қамолот» жамғармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Жўра МАХМУДОВ



— Қорбўрон ўйнаймизми?

Хўрматли газетхон!

Едингизда бўлса, газетамизнинг 3-сонига «Дардимни кимга айтгай» сарлавҳали мақола топ этилганди. Ҳафиза Бобоевнинг тақдирига ачиниб, унга қумак бериш истагида унлаб юрдошларимиз таҳририятга мактуб йўллашаёпти, қўнғироқ қилишмоқда. Бу эса одамгарчилик, узагалар қайғусига шерик бўлиш, бировлар мушкуллини осонлатишга интилиш каби инсоний фазилатлар халқимизни тарк этмаганини кўрсатади. Илоҳ, ҳар доим шундай бўлиб қолсин, деган ниятда ана шу халқларнинг айримларини чоп этарканмиз. Ҳафизахон бу софдил инсонларга жавоб беради, деб умид қиламиз.

Акс-садо

### «БИЗ БИЛАН ЯШАНГ»

«Дардимни кимга айтгай» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқиб Ҳафизахоннинг тақдирига жуда-жуда ачиндик.

Синглим Ҳафизахон! Менинг саккиз фарзандим бор. Турмуш уртоғим пичоқ ясадилар, мен қизларим билан дуппи тикаман. Уғилларимнинг ҳам ҳаммаси ишлайди. Синглим, агар кўнглингизда майл бўлса, бизникига келиб яшанг. Менга фарзанд, фарзандларимга опа еки сингил бўласиз. Сиз учун қалбимиз ва эшигимиз ҳаммиша очик.

Собираҳон ҚОСИМОВА,

Чуст шаҳри, Деҳқонобод кўчаси 179-А уй

\*\*\*

Ҳафизахон синглим! Уйимизнинг эшиги сиз учун очик, бемалол бизникига келаверинг. Шундай мушкул кунларда бир-биримизни қўллашасан, муеулмонимиз қасрда қолади!

Маъмураҳон МУРОДОВА,

Наманган шаҳридаги 5-ўрта мактаб директори

Канададаги фуқаролар турмуш тарзини тадқиқот қилиш институти ходимлари бир неча йиллик изланишлардан кейин бир жойда утириб ишлайдиган кишиларнинг соғлиги кунига бир қут синарт чекалган кишиларники каби йил давомида ёмонлашиб бориши мумкин, деган ҳулосага келдилар. Жисмоний ҳапти-ҳаракатлар қилмайдиган, кам юрайдиган, мускуллари ни зуриқтирмайдиган, асосан ақл билан бир жойда утириб ишлайдиганлар купроқ юрак састалиқларига дучор бўлишаркан. Уларнинг қариб, кучдан қолишлари ҳам жисмоний меҳнат билан машғул буладиганларга қараганда тезлашар экан.

Хуш, бир жойда утириб ишлайдиганлар нима қилишлари керак? Бугунги кунда бундайлар купчиликни ташкил этади. Жумладан, ҳар уч канадаликнинг иккитаси шундай янаша тарзига «маҳкум». Тадқиқотчилар уларга бир кун мбайнида бир соат пиеда юришни, еки муттасил жисмоний машқлар бажариб, ба-

данни қиздириб туришни маслаҳат беради. Тез-тез жинсий алоқа билан шугулланиш, пиеда юриш ёки жисмоний машқ билан шугулланишнинг уринни босолмайди, деб маслаҳат беради канадалик мутахассислар.

«Эркин бозор» муносабатларига кириб кетган Шарқий Европадаги собиқ социалистик мамлакатлар бугунги кунда турли туман «хом аше»ларни етказиб берадиган маконга айланиб қолаётган. Хусусан, Фарбий Европадаги айрим мамлакатларда яширинча тайёрланадиган шарм-ҳасис видеофильмларнинг маълум қисми бугунги кунда дастлаб Руминияда суратга олинади. Бу ерда ялонғоч видеофильмларда роль бажаришни қўйиллатадиган «юлдуз»лар ҳам пайдо бўлди. Улардан бири Ионна Урсун ҳар бир фильм учун 100 доллар ишлайди. Унинг ишироқида суратга олинган шармандаги ленталар Германия, Италия, Голландия, Швеция еки Данияга жунатилади ва уша мамлакатлардаги «етук мутахассислар» суратга туширилган ана



шу ленталардан фильм яратишади. «Хом аше»ни тайёр товар ҳолига келтирадиганлар Ионна Урсундан кура 20-30 баравар куп ишлайшади. Руминиядан олиб кетиладиган бундай «маҳсулот» қайта ишланиб, ана шу мамлакатнинг узига бир неча ун баравар қимматига сотилади. «Эркин бозор»нинг шарфқатсиз уйинлари ана шундай.

Тортинчоқлик 40 ёшли француз Вильяма бахт келтирди. У бир узи икки болани парвартишлаб, ҳар кун эрталаб уларни мактабга олиб бориб, олиб келиб юрарди. Кунларнинг бирида 30 ёшли муаллима Налин хонимни куриб, севиб қолди. Бироқ уятчанлиги боис унга кунлини ериб, бир нима дейишга тортиниб юрди. Охири-оқибат иложини топди: у муаллима ҳар

кун мактабга бораётиб ва қайтаиб кузи тушадиган катта (4х3 метрли) реклама тахтасига йирик ҳарфлар билан: «Налин, мен сизни яхши кураман! Менинг умр йўлдошим бўлишни ҳоҳлайсизми?» деб ёзиб қўйди. Бундай самимий ихлоси дил реклама агентлигининг ҳам юрагини эритди, улар ошиқ йигитдан бу «эълони» учун ҳақ талаб қилишмади. Энг мўҳими, муаллима авваллари узи унча эътибор билан қарамаган болаларнинг меҳрибон отаси, суққабош Вильямининг бутун шаҳарга реклама қилган саволига «Хаб» деб жавоб берди. Улар яшайдиган Безансон шаҳрининг хотин-қизлари уятчан йигитнинг «сурбет»лигини олқийдилар.

Африканинг Малави давлати собиқ президенти Хастингс Камузу Банда узига ҳок рекорд урнатган. У президентлик лавозимдан кетганида 98 ёшда бўлган. Мамлакатни эса қарийб уттиз йил бошқарган. Энди маълум бўлишича, Банда президентлик чоғида узининг ҳақиқий ешини яшириб юрган экан. Бу сирни қариндошлари уни-

нг улимидан кейин ошкор этишди. 1994 йили бўлиб ўтган сайловлардан кейин президентлик лавозимдан тушиб қолган Банданинг еши расмий ҳужжатларда 10 ёшга кичрайтириб курсатилган. Демак, у 101 ёшда вафот этган.

Президентлар хузурига киришни сураб мурожаат этадиган фуқаролар ҳар бир мамлакатда қўлаб топилади. Хусусан, утган йили Россия президенти маҳкамасига ана шундай илтимос билан 25 минг фуқаро мурожаат этган. Шулардан 400 кишини Б.Ельцин шахсан қабул қилган. Демак, ҳар 60 кишидан биттасини. Шунингдек, Россия президенти олий фуқаролардан келган хатларнинг 300 тасига шахсан жавоб берган. 1997 йили президент номига 361 мингта хат келган. Ҳар ҳафтада Б.Ельцинга 20 гача хат етказиб берилди ва у бу хатларга узи жавоб беради. Бу уринда Франциянинг собиқ президенти Фрасуа Миттеранинг: «Мен битта эмас, балки ҳамма французларнинг президенти-ман», деган гапи едга тушади.

Навоий таваллудининг 557 йиллигига



Таниқли рус адаби Антон Чеховнинг бир ибораси модага айланган эди: «Кишида ҳамма нарса гузал бўлмоғи керак: юзи ҳам, уст-боши ҳам, кунгли ҳам, фикри ҳам». Буни «улчов» қилиб аввало мактаб уқувчиларига етказиб бердик.

Бундан 557 йил аввал таваллуд топиб, 60 йил умр қурган ҳазрати бобомиз Низомиддин — Мир Алишер Навоий дунё аҳлига олам-олам асарлар мерос қолдириб кетган ва Чеховдан деярли 500 йил олдин 44 ёшларида ёзган «Садди Искандарий» асарларида бундай дейдилар:

*Керак отзи поку сўзи доғи пок,*

*Яна кўнгил поку кўзи доғи пок.*

Яъни бу назмда: Кишининг оғзи ҳам пок, сўзи ҳам пок, кунгли ҳам пок, кўзи ҳам пок бўлиши керак, деганидир. Тафаккур тарозингизнинг икки палласига уларни бир қуйиб қуринг-а...

*Илҳомжон Назиржон ўғли ЖАМОЛҲОЖИ,*  
*тарихчи, аспирант*



— Кампир, неваралар печта бўлди ўзи?

РАҲБАР ҚАДДИ

Шурчилик Омон акани воҳа одамларининг катта-кичиги яхши танийди. Бир гап билан худо берган йигит, дейишди. Кимдир Омон раис, кимдир Омон полвон, бошқа биров Омон чавандоз, деб айтади. Тури, раислиги бор. Эг ундан мамнун. Полвонлиги келбатидатгина эмас, даврда улча-мунча йигитнинг шапчилиги кайтарлади. Яхши шоиримиз Сирохиддин Саййиднинг «Омон полвон» номи шеъри сурхонликларга ед бўлиб кетган. Купкарининг чангиши чиқариб, узангига оёқ тегиши билан будутга ҳамла қилиб, воҳанинг донгини доврғ этган асл отлар Омонбойда. Хар улоққа унинг оти улоқсеварлар олқишига кумилади. Майдонда мардлик кўрсатиш, эг ичида уз номини ҳалолу-пок сақлашни Омон Бекназар угли уз умрининг мезони, деб белгилаб олган.

У қул дунёларни кезган. Юрт қурган. Даврни, ҳозирги вазиятни жудаям тирақ хис қилади. Озоллик, истиқлол аввало кишилар онгига тулик муҳити билан шаклланиши энг муҳим зарурат эканлигини англайди. Иқтисодий ислохотлар жараени ақл чиғиринида талқин қилинсагина, юртимиз раҳбарияти олиб бораётган одил сиёсатни кишилар янаям тушуниб етарди, деб уйланди.

Кисқаси, ууз Ватанини Сурхоннинг бир полвони ёхуд ча-

вандози, ўқимишли, зисли, ши-жоатли, айни уринда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги улғувор юксалишларга нисбатан хайрихоҳ замонвий раҳбар сифатида ардоқлай биллади...

Шурчи тумани Шароф Рашидов номидаги дон маҳсулотлари хиссадорлик жамияти раиси этиб тайинланган Омон Бекназаров қабулидаги одам анчагина эди. Эгчиликда. Элингиди бори, белинда бори. Воҳадаги энг йирик корхона — ун заводига одамлар юмуш билан келадилар. Деярли барчасининг хожати ҳал бўлади. Одамларнинг раъйи қайтиши, корхона эшигидан дилранж кайфиятга чиқиб кетиши ёмонда. Омонбой бунни жуда яхши тушунади.

Раис қабулида ярим соат бўлдим. Бу вақт ичида у йигирмага яқин кишини қабул қилди. Шунча одамнинг бари хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Барчасининг иппи битди... Барчасининг юзига табассум инди. Хонада энгил кайфият, хушчақчаллик ҳукм сурди. Бошлик билан бўлиб утган қисқа савол-жавобимиздан мен унинг нафақат одамхоҳун, балки зукко, тасаввур қамрови беқисс киши эканлигини сездим. У адабиёт ва санъат, ҳалқимиз утмиши, бугунги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлилини ҳар қандай мутахассисдан зиёда энг шарҳ қилади. Хуллас, бу одамнинг билмагани кам.

Корхона ҳудудини айландик.

Музработ туманидаги Чопончи қишлоғилик Усупали Пардаев ва унинг аёли Иқболларни сурхондарликлар ишидан танийдилар.

Улар 1984—1986 йиллар оралиғида Термиз шаҳрида яшапшарди. Усупали вилоят маиший хизмат кўрсатиш идорасида муҳандис, аёли эса уйда утирари. Шаҳар, бунинг устига «дом»да туриш Иқбол учун анча зерикарли эди. Бунни пайқаган Усупали «аелим бекорчи утириб зерикасин» деб, 281 сўмга «Чайка» тикиш машинаси олиб берди. Аёли аслида тикиш-бичишга уқувли ва шу билан бирга бу касбга иштиқманд эди.

Уша пайтлари дуконларда чит кун эди. Бир метри купни билан саксон тийин турарди. Даглаб турт сўмга беш метр чит харид қилишди. Иқбол уша даврда болақайлар учун удум бўлган қалпоқча тикишга киришди. Чит қалпоқчалар. Замонни биласизки, давлат дуконидан бошқа бирон ерда нарса сотиб бўлмади. Иқбол чиройли қалпоқчаларни тикаришда, қушни урис кампирга берарди. Кампир эса қалпоқчаларни одам гавжум жойларда, бозорларда ҳар донасини бир сумдан сотиб келарди. Шундай қилиб, аста-секин пул йигиша борди. Тулланган пулга сал эскирок «Москвич» автомашинаси сотиб олинди.

Еш оиланинг кенгрок, кунгил истаганидек фаолият юритмоғи учун майда шаҳар торлик қила борди. Шундай қилиб улар «Навбахор»га, ҳозирги яшаб турган жойларига, бир томони чулга туташиб ётган ерга қучиб келдилар. Бу ерларда томорқа учун ер етарли бўлгани сингари сув ҳам мул эди.

Бу орада Усупали иккинчи «Чайка» тикиш машинасини сотиб олди. Кейин эса учинчисини... Талбиркорлик доираси кенгая борди. Иқбол

тун қавишга тушди. Бу ишга қушни аёлларни ҳам жалб қилди.

Аста-секин уларнинг ёнларига янги оилалар қучиб келиб қуна бошлашди. Шуниси қизиқки, қишлоқ кенгая борар, бироқ ҳали номи йук эди. Улар қишлоққа ном қидириб овера бўлишмади, балки ном узларининг меҳнатлари орқали бўлди — Чопончи.

Бугун эса Чопончи қишлоғидаги рўзгорларнинг тўксон фоиздаги хотин-қизлар тун қавишди ва шу билан тирикчилик қилишади. Тун қавиш бир баҳона бўлиб, барча хотин-қизлар чевар, ишчан ва ишбилармон бўлиб кетишди. Рўзгорларига эса барака кирди.

Бугун катта Сурхондаренинг Қизирик, Шеробод, Шурчи

Тадбиркор оилалар

рок ҳам тикишимиз мумкин», дейди Иқбол.

Рўзгорга туннинг узидан оймага урчата йигирма минг сум даромад келади. Бу қарам бир йилда бир уз қирқ минг сумни ташкил этади.

Бироқ уларнинг рўзгори фақат тунга қараб қолган эмас, албатта. Тегирмонлари бор. Кундалик эҳтиёж моллари билан савло қиладиган дукон очиб олинган. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Томорқадан бу йил қарийб икки тонна галла олинди. Мсва-чсва, поллиз маҳсулотлари ҳам шу томорқадан чиқади.

Эр-хотин яқинда чомчўт қилиб қуришди; жами даромадлари бир йилда урчата 600—700 минг сўмга бораркан.

Усупалилар ишлаб пул топиб, сунгра сандиққа солиб, йиллаб сақлаб юрадиганларнинг хилдан эмас. Уларнинг пули пул топади, мол топади.

— Энди бурдоқчилик билан ҳам шуғулланасамки деб турибмиз. — дейди Усупали, — Худо хоҳласа, йигирмата ҳукис олиб боқамиз.

...Олдий чит қалпоқчадан бошланган талбиркорлик рўзгорни охири-оқибат обод қилди. Оиладагиларнинг емак-ичмак, киймакдан ҳеч бир камми йук. Рангли телевизор, вилсомагнитофон, видеокамера олишганига анча маҳаллар бўлди.

...Яқинда Усупали «Нексия» автомашинаси олди. Қийналмадан, бировдан бир сум қарз қутармасдан, озорланмасдан харид қилди. Чунки ишлаган одамнинг, ишбилармоннинг чунтагида ҳамisha пули бўларкан. Иулдини топан, ҳалоқ меҳнат қилган одамнинг дастурхонидан барака аримаскан...

*Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,*  
*Сурхондарё вилояти*



Кум

қургон, Термиз ва бошқа ердаги бозорларини Чопончи қишлоғи чеварлари қулдан чиққан ажайиб тунлар обод қилмоқда. Аслини олиб қарайдиган бўлса, вилоятнинг бошқа бирон ерига бу қадар қул тун тикишмайди.

Чопончилик хотин-қизлар тунларни уз-узларича қавишмайдилар. Балки барча ишни конвейер усулида амалга оширадилар. Масалан, бир уйдагилар тунни бичадилар, иккинчиси тикади, учинчиси пахта солади, туртинчиси қавийди, бешинчиси эса пардозлайди.

Иқбол ҳам беш нафар аёл билан бошланган ҳолда иш тутлади. «Бундай ҳолда одам оғирлик сезмайди», дейди у.

Бундан ун икки йил аввал харид қилинган биргина машина ёнига, бугунги қунда ушлаб машиналар қушилди.

180—200 тагача тун тикади. «Агар мато етарли бўлса, қул-

ТОҒ БЎЛГАЧ...

Давр ва одамлар

Ҳамаёқ озода, топ-тоза. Бинолар пештоқда ватанпарварлик туйғуларини тараннум этган ҳикматли ёзувлар битилган. Улкан заводда ҳаёт қайнайди. Ризқ манбаи оппоқ ун тегирмон элагилан туқилади. Гуёки мустақил Ватанининг иқтисодидеги уммонда еруғ манзий сари шаҳд билан улкан бир кема сузиб бораётгандай. Бу кемада озодлик йўлидан далил бораётган халқнинг ризқи, туз-насибаси, ортилангидир. Ризқи бут элнинг имконларини қуз-қуз қилиб сузаётган кеманинг эса бир лаҳза бўлса-да тухтаб қолгани мумкин эмас. Шу боиски унинг чамбарини тутган қулар толмаслиги, уни бошқараётган, иппонд билан олға улдаётган инсон фикри чамқоқдай утқир бўлиши зарур, деган уйда келдим.

Завод ичкарасидамиз. Корхонада иш кетиши билан биргалликда усқуналар ёппасига қайтадан таъмирланаётти. Аниқроғи, янги замонвий жиҳозлар келтирилибди. Швейцариянинг «Бюлер» фирмаси лицензияси асосида Россия ва Украинада ҳамкорликда ишлаб чиқарилган донни қайта ишлаш усқунаси урнатилса, завод фаолия-

ти тубдан узгарали. Бу нафақат воҳа, балки мамлакатимиз иқтисодий ривожига кескин жиҳзин бўлиши аниқ. Масалан, эски технология буйича 500 тонна ун тайёрланса, унинг 5 фоизигина олий, 30 фоизи бичинчи, 43 фоизи эса иккинчи нав бўларди. Янги технология асосида эса бир қунда бемалол 700 тонна ун ишлаб чиқарилади. Шундан 30 фоизи олий, 45 фоизи биринчи, 3 фоизи иккинчи нав ун. Бунни юқордаги рақамлар билан солиштирадиган бўлсак, еру-осмончалик фарқ қуринади. Ваҳоланки, унбу технология билан корхонани 25 ойда, яъни икки йил муддатда жиҳзолаш талаб қилинади. Албатта, бу ишнинг узига яраша қийинчиликлари, биз ҳали тулик билмаган муаммо ва мушқуллиги мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароити эса хар қандай вазиятда ижобий чора қуришни сурайди. Корхона янги технологияни 25 ойда эмас, балки беш ой ичида тулик урнатиш ҳаракатида. Завод янги жиҳозлар билан иш бошласа, вилоят аҳлини олий нав ун билан таъминлаш имкони яратилади. Корхонада 1500 га яқин иш-

чи хизмат қилади. Улар учун тулик шароитлар яратилган. Кишилар маошини уз вақтида мунтазам олади.

Корхонадан бир олам таасиротлар оғушида чиқдик. Кечки совуқ забтига оларди. Омон раис қулоқчинини бостириб, туни еқасини кутарган бўлади.

— Иш шунақа, биродлар, — деди у. — Худо хоҳласа, тез қунда Навруз байрам ҳам келлади, элимиз узини унглаяпти. Курашлар, туй-томошалар бошланди. Дарвоқе, Тошкентга қачон қайтасиз.

— Эртага. Нима эди?

— Эҳ, вақтингиз бўлганда Бойсўнга борардик... Эртага зур купкари бор. Нарғи Туркманистон, бугеи Тожикистондан чавандозлар келади... Купкарига қизиқасизми?

— Албатта.

Унинг юзи янаям ёришади. Йул-йўлақай отлар ҳақида узоқ гапирарди. Сунгра гаройиб завқланиш билан курашлардан сузлай кетади. Мен қаршимда шавқи-шиддати бестакрор даре одам турганини яна бир қарра хис қиламан.

*Қўқор НОРҚОБИЛ*

# БАЛОҒАТ БЕКАТИ



## ҲАЁТ ШУНЧАЛАР ШАҒҚАТСИЗМИ?

Ёлғизгина ўғлимни, «ўқийман» деб оёқ тираб олгани учун ҳам, «йўлига ғов бўлмай» деган ниятда Тошкентга кузатганим. У шу кетганича дом-дараксиз эди. «Ана келиб қолар, мана келиб қолар», деган умидда олти ой ўтди. Яқинда ҳамқишлоқларимнинг бири ўғлимни шаҳар бозорларида кўриб қолибди. Маълум бўлишича, ўғлим ўқишга кирмай, мўмай пул топиш дардида бозор-ма-бозор санғиб, қишлоққа қайтишни хаёлига ҳам келтирмаётган эмish. Нахотки у мол-дунё, дея ўз онасини унутган бўлса?! Ахир мен унга шундай тарбия берганимдими, уни шу умидда катта қилганимдими?!

**Ҳақима Й. Уш вилояти**

Илгари Гулнозага ҳамма ҳавас қилар эди. У қаддиқомати, юриши-туриши, одоби, аълочи ва фаоллиги билан бошқа қизлардан ажралиб турарди. Сўнгги вақтларда унинг хулқ-атворида салбий ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Қўмнатбаҳо хорижий либосларга бурканиб юришлар, дарслардан кетиб қолишлар, ётоқхонага тун ярнида қайтишлар ҳамхоналарининг гашига теғди. Бизнинг тартибга чақириларимиз унга ёқмас. «Мен қандай хоҳласам, шундай яшайман» дея ўз билганидан қолмас эди... Танлаган бу йўли тубсиз жарликка элтишни дугонимиз бир кунни тушуниб етармикан?! Тушуниб етган чоғда кеч бўлмасмикан?

**Наима Р. ТошТО толиби**

Мен бир йигитни биламан. У ҳам бизнинг олийгоҳда ўқийди. Қачон қарасангиз қизларнинг атрофида гирди-капалак бўлгани булган. Бунинг устига ҳар сафар бошқа-бошқа қизлар билан юрганига кўзим тушарди... Энди навбат менинг дугонамга келибди. Дугонам ҳам бошқа қизлар каби унинг ёлғон-ашиқ гапларига сармаст. Хайронман, йигит ўзининг бу бебурдлиги орқали нимага эришаркан?!

**Зухра С. ТошДУ толибаси**

Мен дўстимга ишонар, агар кимдир «бир кунни шу дўстинг сенга хиёнат қилади» деса, ёқалашган бўлардим. Бирок... Ўзги таътилдан келиб, дўстимнинг уйланиганини эшитдим. Аввалига менга хабар бермаганидан таажжубландим. Кейин билсам... Менинг бир қиз билан учрашиб туришимни дўстим билар, улар бир-бирларини танир ҳам эдилар. Дўстим ҳамма: «Қизнинг ҳам

сенга майли борга ўхшайди», дея кўнглимни кўтарарди... Келин шу қиз экан... Ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Нахотки бирданига ҳам дўстимдан, ҳам севгимдан айрилганим рост бўлса?! Ҳаёт шу қадар шағқатсизми?!

**Одилбек А. Фаргона шаҳри**

Мен бир курсдошимни ёқтирардим. Биз дарслардан кейин ҳам кўп вақтимизни бирга ўтказардик. Лекин йигит оддий оиладан бўлгани учун дугоналарим уни уш-ламас, буни менга очик-ойдин айтишган ҳам. Кейин... Бошқа бир йигит билан танишдим. У ўзига тўқ оиладан бўлиб, машинаси ҳам бор эди. Бошида йигитни унча ёқтирмаганим учун унга бир неча бор ёнимга келмаслигини айтдим. Аммо дугоналарим: «Одам танлашни билмас экансан, ановиндан ўлса ўлиги ортик-ку, ахир», дея вериб... Хуллас, тўйимиз бўлди-ю, кўп ўтмай турмуш ўртоғим ўзгарди қолди. Менинг кўнларим меҳр истаган кишининг оиласида меҳрга зор бўлиш билан ўта бошлади... Ҳозир курсдошимнинг тўйим арафасида менга айтган гапини тез-тез эсламан. «Бойлик билан муҳаббат бир-бирига тамоман зид, — деган эди у ғалати кулимсираб. — Бири бор жойда, албатта, иккинчисига ўрин йўқ!»

**Матлуба М. Миробод тумани**

Негадир, қизлар йигитларни енгилтак, бевафо, деб ўйлашади. Бу ўта жўн.

Мен Ҳарбий хизматга чақирилишимдан аввал бир қизни севардим, у ҳам мени севарди. Лекин келгунимча... У ота-онасининг қистови билан бошқа бир йигитга турмушга чиқишга мажбур бўлибди. Мен уни бевафо дейиш фикридан мутлақо йироқман. Сабаби, қизнинг одоби уйдагиларга қаршилиқ қилишига йўл қўймаган. Мен ханузгача уни севарман. Бироқ у билан қўришишни истамаман. Эҳтимол, унинг мени кўргиси келар. Эҳтимол, у ҳам ханузгача... Агар учрашсак, нималар юз беришни ўзим ҳам тасаввур қилолмайман. Тақдирга тан бермай илож йўқ.

... Энди у умр йўлдошининг севимли ёри, борган жойининг роишли келини бўлиб яшагани маъқул... Утган ишга эса салават.

**Тоҳиржон, Тиббиёт коллежи талабаси**

# ШАЙТОН ЙЎЛДАН

— Мени шайтон йўлдан оздирди, мени кеңиринглар!

Бу жумлани биз энг сўнгги дамда, халқимиз таъбири билан айтганда «бошимиз деворга урилганда» гина тилга оламиз. Бу жумлани ўз айбига иқрор бўлган киши тилга олади, назаримизда. Аммо аслида ҳам шундайми?!

— Мени шайтон йўлдан оздирди...

Бу жумланинг зоҳирий маъноси шундай:

— Мен айбимни тушундим, гуноҳимга иқрорман!

Биз ҳамма бу жумланинг фақат зоҳирий маъносигагина эътибор бериб келамиз. Лекин, нима учундир, унинг ботиний маъноси ҳақида мутлақо ўйлаб кўрмаймиз...

Биз, инсонлар, ўз манфаатимиз йўлида ҳеч иккиланмай гуноҳга қўл ураремиз. Бу дунёда адолат ва ҳақиқатнинг борлиги туфайли ҳам бир кунни айбимиз фош этилади. Шундай вақтда гуноҳига иқрор бўлиб, узр сўраш ҳар бир инсоннинг бурчи. Бироқ биз бошқачароқ йўл тутамиз. Ўз айбимизни бошқа кишилар гарданига юклашга ҳаракат қиламиз. Негаки, бизда ўз айбини тан олишдан кўра, уни кимларгадир ағдариб, «сўвдан қуруқ чиқиш»га мойиллик кучлироқ...

Ниҳоят, қанчадан-қанча асаб-бузарликлардан кейингина ҳақиқат қарор топиб, асл гуноҳор ўзимиз эканлигимиз маълум бўлади. Биз учун узр сўрашдан ўзга чора қолмайди.

— Мени шайтон йўлдан оздирди, — дейимиз шунда...

Келинг азизлар, энди бир му-

шоҳада юришиб кўрайлик. Бу жумла замирида айбни тан олишлик кўпроқми ёки айбни Шайтонга ағдаришликми?!

— Мени шайтон йўлдан оздирди...

Бу жумлани шундай оҳангда тилга оламизки, гўё Шайтон бўлмаганда эди, биз гуноҳга қўл урмаган бўлардик. Аммо шундай вақтда «Асл гуноҳор шайтон эмас, балки ўзим-ку!» — деган фикр ҳатто ҳаёлимизнинг кўчасига ҳам йўламайди...

Менинг бир дўстим бор. У болалик чоғида тушган ҳар бир суратининг орқасига: «Бу менинг барча гуноҳлардан холи бўлган вақтим», — деб ёзиб қўйган. Бу бир қарашда оддий ҳолдек туюлса ҳам (биз болаларни фариштага қўяёلمиз бежиз эмас), бир оз таажжубланди, ундан нима учун шундай деб ёзиб қўйганига қизиққанганда, у:

— Ҳақиқатан ҳам, ўша вақтда гуноҳсиз бўлганман-да! — деган эди кулимсираб. — Кейинчалик шайтон йўлдан оздирди...

Дўстимнинг гапида жон бор. Болалик — инсоннинг фаришта каби барча гуноҳлардан холи бўлган бир даври. Аммо вақт ўтгач, унинг кўнглида гуноҳга ундовчи хаёллар пайдо бўла бошлади. Ҳар бир қилинажак ишдан ўзи учун манфаатли томонларни излаб қолади. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг бу истама ўзгаришига Шайтон сабабчими?!

Келинг, бизларга ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани сузлаб берай. Чунки ушбу мақолани ёзиш фикри айнан шу воқеадан сўнг туғилган эди...

Ўша кунни иш билан бир танишимнинг уйига борган эдим.

## ОТ АЙЛАНИБ...

Ўтмишдан қолган гап бор: от айланми қозигини топади. Бу ҳикматнамо гапга ким қандай қарайди, билмадим. Лекин, биз — собиқ синфдошлар орасида бу мақол ўз тасдиғини топгандек. Мактабни тугатганимиздан сўнг, табиийки, ҳар биримиз ҳар ёққа тарқаб кетдик. Ким ўқишга кирган, ким ишга...

Аммо байрамларда, тўйларда йиғилишиб, учрашиб турардик. Ҳамма ўзича янги орттирган дўстлари, курсдошларини таърифлаган, ўзаро сирлашишлар... Хуллас, ҳақиқий ҳаёт бу ёқда экану биз бола бўлиб буни билмаган эканмиз, дегандек, виқор билан сўзлашар, айниқса, ўғил болалар оғизларидан бол томиб курсдош қизларини мақтаганлари мақтаган эди. Шундай пайтларда синфдошларимизнинг ҳар бири ўзларининг бахт юлдузларини топгани, уларнинг шуъласида бизнинг қўрку-камолимиз хира тортгандек туюлар ва бу бизга жуда оғир ботарди.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Энди барчамизнинг табиатимиз анча сипо ва жиддий тортиб қолганди. Аста-секин, ўзларини шуълага урган парвонадек янги-янги қизлар билан таҳсил олиб,

уларнинг ички дунёлари билан танишган ўғил болалар, яъни собиқ синфдошларимиз, галдаги учрашувларимизда собиқ синфдош қизларимизнинг атрофида гирди-капалак бўла бошладилар. Шул боисми ёхуд тақдирмикан, ҳар қалай орадан кўп ўтмай ўн олтига синфдош бир-бирлари билан аҳду-паймон қилишиб турмуш қуришди. Ҳозир ўша синфдош келин-куёвлар неча йиллардан буён ахил яшаб, фарзандлар ўстиришмоқда.

«Насиб бўлса, бир-биримиз билан куда-анда бўлсак ҳам ажаб эмас», — деб ният қилишади улар. Чунки кўпчилигимизнинг фарзандларимиз бир синфда ўқишади, улар биздек синфдошда, ахир.

Бу билан нима демоқчиман? Ҳар қалай, синалган одамнинг билан умрининг боғлаганинг яхшида. Ахир, тўйгача умрида бир бор қўришган одами билан турмуш қуриб, сўнг бармоқ тишлаб қолаётганлар озими?!

**Феруза АШИРОВА, Й. Охунбобоев номида тиббиёт техникумининг ўқитувчиси**

Севгига асир бўлмаган, унинг йўл-каларида сайр қилмаган, у бахш этувчи тотли висол дамларидан баҳра олмаган киши борми дунёда? Ишқ таърифида қўлига қалам тутмаган бирон ижодкорни учратганмисиз?

Дарҳақиқат, ишқ кўнгли мулкнинг подшоҳи! Унинг салтанатида на сохталikka, на айёрликка, на алдовга ва на хиёнатга ўрин бор. Муҳаббат мўъжизалар яратувчи сирли бир ҳилқатдир.

Бироқ сўнгги вақтларда тенгдошларимиз даврасидаги суҳбат муҳаббат мавзусига тақалганда, уларнинг юз-кўзларида негадир ишончсизлик ифодаси пайдо бўлади.

Аксарият ҳолларда қизлар йигитларни, йигитлар эса қизларни айблашдан нарига ўта олмайдилар.

Аслида мавзумиз «Йигитлар билан қизлар ўртасидаги ишончнинг йўқолишига ким сабабчи?» лиги тўғрисида эмас, балки муҳаббат туйғусига ҳам ишончсизлик билан қарашимизнинг асл сабаби ишқ туйғусини, унинг сеҳрини тўла англаб етмаганимиз ҳақидадир. Шу боисдан ҳам айрим вақтларда эндигина туғилган муҳаббатнинг умрига ўзимиз билмаган ҳолда зомин бўлиб қоляпмиз...

«Муҳаббат сирлилиги билан гўзал» дея қайта-қайта тақорлашни хуш кўрамызу, аммо дўстимиз ёки дугонимизнинг дилида ишқ куртак очаётганини пайқаб қолсак, уни бошқа «сир-

дош»ларимиз билан «ўртоқлашиш»га, муҳокама этишга ошиқамиз. Аслида ўзгаларнинг (гарчи улар дўстимиз ёки дугонимиз бўлган тақдирда ҳам) дилидаги хисларни муҳокама этишга биз ҳақлимизми?! Ана шу ҳатти-ҳаракатимиз билан ўзаро ишончу муҳаббатнинг йў-

**МУҲАББАТ ЧИРОЙ... ТАНАЛАЙДИ**

қолишига маълум даражада сабабчи бўлиб қолмаяпмизми?!

Сир эмас, айрим ота-оналар воёга етган ўғил ёки қизига «Биронтаси билан юриб (Таажжуб, «юриш» ва «севиш») сўзлари синоним сўзлар эмас-ку, ахир!» овора бўлма, барибир менинг айтганим бўлади. Кўчада қўлтиклашиб юрган одамдан нима яхшилиқ чиқарди?! — дея очик-ойдин айтишади. Ота-оналарнинг ана шу гаплари ҳам фарзандлар қалбида муҳаббатни ишонч туйғуларига ўрин қолдирармикан?!

Албатта, ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонлик соғинамайди. Ота-оналарнинг куйинишларида ҳам жон бор. Уларнинг муҳаббат туйғусига ишончсизлик би-

лан қарашларида сохта «мат»лари бекиёсдир. «Ҳам фалончининг ўғли сиз бўлиб қолмасин!» диларни шу йўлни тутти гандир балки?!

Биз, ёшларнинг вази қоляпти, муҳаббат фақатлардагина қолди, холо тақорлашдан кўра, йўлтиклаш, муҳаббатнинг лигини исботлашдир.

Бунинг учун эса аввал муҳаббат туйғуларини бир олишимиз зарур. Зеро, шу икки туйғуни ажрата да юзага келади. Биз сохта ошиқлар (уларни лигидан қатъий назар) қиллатиш учун севиги и-

лида эса уларнинг ўзла муҳаббатни фарқлай бил алданган кишилардир... Биз қайта-қайта «Семайди!» — деб келдик атрофимиздагиларни ҳидик. Бунинг оқибатида чирой танлашини, уни олишини унутиб қўйди на келишган қадди-қои кийимларни, на пардоз ди. Мен айтётган гўзи инсоний фазилатлар му қалб чиройидир. Зеро, дилдагина туғилади.

**Ло ТошДУ журнали**

Хулқимиз

# ЙЎЛДАН ОЗДИРДИ

ада юритиб кўрайлик. Бу жумамирида айбни тан олишлик юқми ёки айбни Шайтонга ағшликми?!

Мени шайтон йўлдан оздир-

жумлани шундай оҳангда а оламизки, гўё Шайтон бўлганда эди, биз гуноҳга қўл ур-н бўлардик. Аммо шундай ва-«Асл гуноҳкор шайтон эмас, и ўзим-ку!» — деган фикр хат-аёлимизнинг кўчасига ҳам йў-айди...

нинг бир дўстим бор. У бо-к чоғида тушган ҳар бир су-нинг орқасига: «Бу менинг а гуноҳлардан холи бўлган им», — деб ёзиб қўйган. Бу қарашда олдий ҳолдек туюл-ам (биз болаларни фаришта-ёслашимиз бежиз эмас), бир ажжубланиб, ундан нима учун дай деб ёзиб қўйганига қи-анимда, у:

Ҳақиқатан ҳам, ўша вақтда ҳизиб бўлганман-да! — деган кулимсираб. — Кейинчалик гон йўлдан оздириб...

ўстимнинг гапида жон бор. лик — инсоннинг фаришта барча гуноҳлардан холи бўл-ри даври. Аммо вақт ўтган, г кўнглида гуноҳга ундовчи лар пайдо бўла бошлайди. бир қилинажак ишдан ўзи манфаатли томонларни из-қолади. Ҳақиқатан ҳам, ин-нинг бу хилда ўзгаришига тон сабабчими?!

линг, сўзларга ўзим гувоҳи ан бир воқеани сўзлаб бе-Чунки ушбу мақолани ёзиш и айнан шу воқеадан сўнг ту-ан эди...

а кунни иш билан бир тани-нинг уйига борган эдим.

Қайтаётганимда у мени бекатга-ча кузатиб чиқди. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетаётгандик. Қар-шимиздан келаётган, 55—60 ёш-лардаги аёл етагидаги тўрт-беш ёшлардаги қизалоқ кутилмаганда ширин тил билан салом бериб, бизни ҳижолатга солиб қўйди (биз аёлга салом беришни «унутган» эдик). Қизариб-бўзариб қизчани-нг саломига алик олдиғу, дарҳол аёлга салом бердик. Унга бизни-нг ҳижолат тортиб қолганимиз ҳушқўди, чамаси, алик олар экан, галати кулимсираб қўйди. Икки-миз ҳам уларнинг ортидан узоқ вақт сўзсиз тикилиб қолдик...

— Биз ҳамиша бола тарбия-ляпмиз, деймиз, — ўйчанлик бил-ан деди танишим. — Лекин ас-лида тарбияни болалардан оли-шимиз керак!

Унинг ана шу оддийгина, аммо асосли гапи мени бизнинг, яъни катталарнинг табиати, дунёқараш-и тўғрисида чуқурроқ ўйлашга мажбур этди.

Нима учун биз шу қизалоқ ка-би йўлимизда учраган ҳар бир ёши улуг кишиларга салом бер-маймиз? Жавобимиз аниқ: агар у нотаниш бўлса, салом бориш ша-рт эмас, чунки уни яна қайта кў-рамизми ёки йўқми (аниқроқ айт-ганда, унга ишимиз тушадими ёки йўқми?!), номаълум.

Умуман олганда, бизнинг ҳаёт ҳақида ўз «фалсафа»миз мавжуд. Яъни атрофимиздаги кишиларга уларнинг «сорт»ига қараб муома-ла қиламиз. Ҳатто нафақат мусул-мончиликнинг, балки одамгарчи-ликнинг-да асосини ташкил этув-чи салом-алиғу, хушмуомалалик, ҳам «сорт»ларга яраша қилинади.

Афсус! Минг афсус!! Уша «шайтон йўли» ўзимизнинг ҳаёт

тўғрисидаги «фалсафа»миз бел-гилаб берган йўл эканлиги қал-бимизни тирнаб ўтармиди?! Ки-шиларни йўлдан оздирувчи Шайтон бизнинг ҳар бир ишдан-да манфаат изловчи, манфаат кутувчи нафсимиз эканлигини йўлаб кўрармидик?!

— ... Мени шайтон йўлдан оз-дирди...

Мана, бу жумланing ботиний маъноси ҳам анча ойдинлашиб қолди. Менинг назаримда, биз бу жумла билан кўпроқ ўзимиз-ни оклашга, ўзимизни айбсиз айбдор қилиб кўрсатишга, атро-фимиздаги кишиларнинг дили-да ўзимизга нисбатан шафқат хиссини уйғотишга уринаётган-декмиз...

— Мени шайтон йўлдан оз-дирди...

Бу жумла билан биз ўз айби-мизни Шайтонга юкламоқчи бў-ляпмиз гўё (тўғри-да, ҳар қанча айбимизни унга ағдармайлик, у келиб бизнинг ёқамиздан ол-майди-да!)...

Келинг, азизлар, аввало гуноҳ ишларга қўл уришдан сақла-найлик! Борди-ю, билибми, бил-майми, бирор гуноҳ қилиб қўйсақ, фақат чин инсонларга хос бўлган: «Гуноҳимга иқро-ман, мени афв этинглар!» — дег-ган жумла билангина уэр сў-райлиғу, гўёки: «Борлигинга шуқур, Шайтон! Яхшиям сен бор экансан, бўлмаса айбимни ким-га ағдарар эдим?!» — дея Шайтонга сизинган кишининг гапларига ўхшаш:

— Мени шайтон йўлдан оз-дирди, — деган жумлани ҳеч қач-он тилга олмайлик...

**Маъруф ТОШПЎЛАТОВ,**  
**ТошДУ толиби**



Учрашу

## САЛОМ МАЖНУНТОЛ

Орзуларим қаноти жизиллаб қуяётганини ҳис қиляпман. Умидла-рим қалдирғоч каби чирқиллаб, ўзини тўрт томонга уради. Мен-га бу олам торлик қилаётгандек, эҳтимол, хаёлимда шундай тую-лаётгандир. Ҳар қалай, қўл уш-лашиб, бахт сурурида юрган кез-ларимда жуда ҳам кенг эди — бу дунё.

Назаримда, телбага айланиб қолганга ўхшайман. Изларингни излаб, сен туғилган гўшага бор-дим. Бир кеча меҳмон ҳам бўл-дим. Тўрт томонга аланглайман. Гўё ҳамма бурчақдан сен менга термулиб тургандексан. Кели-шимда соғинч хисларим бир оз пасаярмикан деган хаёлда эдим, аммо...

Сўнг... Паноҳ излаб мажнун-толга қошига бордим. У узун-узун қўллари, ям-яшил бармоқ-лари билан сочимни силайди. Шивирлаб юракни ўртовчи кў-шиқлар куйлайди.

Мажнунтол — бечора дарахт. Унинг ҳам жони бор, дарди бор. Агар сокин кечаларда япроқла-рини силасангиз, бошидан ўтган-ларини эзилиб-эзилиб ҳикоя қи-лади. Фақат тузунсангиз, бас. Юзлаб ошиқлар унинг остида ўл-тириб, дардларини қолдириб қайтадилар. Мажнунтолнинг бо-шини эгган ҳам ана шу изтироб-лардир эҳтимол? Мен ҳам юки-нга юк қўшганим учун кечир. Ас-лида хусни-жамолингни томоша қилмоқчи эдим. Агар табиат бир сўрат бўлса, унинг ичидидаги энг гўзал ранг сенсан. Яна кўриш-гунча хайр, Мажнунтол...

Мен туртиниби-суртиниби уйим-

### Бадиа

ни излайман. Йўқ, маст эмасман. Ҳижрон шаро-би тинкамни қуритди, холос. Худди вужудим гулхан ичи-да қолгандек, ёнапман, кўряп-санми, само? Кўряпсанми, юл-дуз? Кўряпсанми, ой? Энди қай-тиб кўришмасак керак, Мажнун-тол. Чунки менинг қалбимни ўғир-лашди. Сенинг олдинга бўш — ҳис-туйғуси йўқ дил билан борол-майман. Ўзингдан бошқа оқ фо-тиҳа тилайдиганим ҳам йўқ. Мен-га оқ йўл, оппоқ тонг тила. Унга эса Оллоҳдан инсоф сўра. Айбим ва гуноҳим шуки, узис яшай ол-майман...

Баъзан, умидсизликка туша-ман. Ғалати-ғалати шеърин сар-трлар хаёлга келади:

**Мен ўлсам...**  
**Сен йиғлама, йиғлама,**  
**майли,**  
**Кимманки, сен йиғласанг...**  
**Мен ўлсам...**

Йўқ, дея хайқираман бирдан. Исёнкор юрак бош кўтаради. Ҳа-қинг йўқ, дейди у ҳам. Ҳолбуки бегоналар бир-бирига қуяди, биз-лар-ку... Бизлар, бир бутун вуж-уд бўлишга улгурганимиз, ахир. Яна ёнаётган умид қад рост-лайди, орзуларим қанот қоқа бошлайди. Мен ишонаман. Ӯл-дуз кўқдан ерга, ер бўлган ошиқ олдига келади. Илло, булут тар-қаган кунни, унинг нурли жамоли қалбимни ёритгай.

Салом, Мажнунтол. Мен яна муҳаббатга ошуфта, ҳис-туйғулар-га тўла қалбим билан ёнингга келдим. Энди бир умр бирга бў-ламиз. Сен содиқ сирдош, гўзал дарддошсан.

**Машнон ОТАБОЙ,**  
**Бухоро**

## ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ЛАТТИФАЛАР

Талаба имтиҳон топширишга кириб, билет олди, қараса ундаги саволларни билмайди.

— Домла, бошқа билет олсам майлими?

Талаба иккинчи билетни ҳам билмасди, домладан сўраб учинчи билетни ҳам олди. Бу гал ҳам аҳвол ўша-ўша. Тўртин-чи билетни олишга ижозат сўраганда, домла унинг имтиҳон дафтарчасини олдида «уч» қўйиб берди. Буни кўриб шогирди хайрон бўлди ва профессордан нега «уч» қўйиб берганини сўради.

— Изляптимми, демак ниманидир билади.

Ота ўғлига телеграмма юборди: «Имтиҳонларни қандай топ-ширдинг?»

Қўп ўтмай жавоб келди: «Имтиҳонлар катта муваффақият билан ўтди. Профессорлар хайратда. Кузда яна қайтаришим-ни сўрашаяпти».

**Тўловчи Сайёра ХУСАНОВА**

ш»га, да ўз-ки ду-глида-з ҳақ-тимиз нг йў-

лан қарашларида сохта ошиқларнинг «хиз-мат»лари бекиёсди. «Менинг фарзандим ҳам фалончининг ўғли (қизи) каби бахт-сиз бўлиб қолмасин!» деган ҳадик ота-она-ларни шу йўлни туттишга мажбур этаёт-гандир балки?!

Биз, ёшларнинг вазифамиз «Ишонч йў-қоляпти, муҳаббат фақат китоблару, кино-лардагина қолди, холос» дея қайта-қайта такрорлашдан кўра, йўқолаётган ишончни тиклаш, муҳаббатнинг ҳаётда ҳам мавжуд-лигини исботлашдир.

Бунинг учун эса аввало эҳтирос ва му-ҳаббат туйғуларини бир-биридан фарқлай олишимиз зарур. Зеро, сохта ошиқлик ана шу икки туйғунин ахрата билмаслик асоси-да юзага келади. Бизнинг назаримизда, сохта ошиқлар (уларнинг қиз ёки йигит-лигидан қатъий назар) кимларнидир ла-қиллатиш учун севги изҳор этадилар. Ас-лида эса уларнинг ўзлари эҳтирос ва му-ҳаббатни фарқлай билмаслик оқибатида алданган кишилардир...

Биз қайта-қайта «Севги чирой танла-майди!» — деб келдик ва ўзимизни ҳам, атрофимиздагиларни ҳам шунга ишонтир-дик. Бунинг оқибатида муҳаббатнинг ҳам чирой танлашини, уни гўзаллик қутқара олишини унутиб қўйдик. Тўғри, муҳаббат на келишган қадди-қоматни, на ялтироқ кийимларни, на пардоз-андозни тан ола-ди. Мен айтаётган гўзаллик эса кўркем инсоний фазилатлар мужассам бўлган соф қалб чиройидир. Зеро, ишқ фақат покиза дилдагина тугилади.

**Лобар ТУРСУНОВА,**  
**ТошДУ журналистика факултети**  
**II курс толибаси**





**СЕРДАРОМАД «СОҶА»**

Палермо шаҳрида Италиянинг собиқ Бош вазири Жулио Андреоти устидан кузатишган тергов давом этаётган. Уни Сицилия мафияси билан алоқада айбланмоқда. Бу айбловнинг қанчалик тўричилигини билмадигу, Сицилия мафиясининг қули узатган срига этиши рости. «Коза ностра» йилига уртача 50 миллион доллар даромад қилади. Унинг маълум фоизи юқори лавозимли раҳбарларни «сотиб олишга» ишлатилади.

**ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВ**

Асримиз бошларида Япон истилосидан қочиб Манчжурияга борган бир гуруҳ корейслар ислом динини қабул қилишган эди. Улар иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатга қайтиши ва 50-йилларнинг урталарида биринчи корейс имоми сайланди. 1967 йилда Корейс ислом жамияти кенгайиб, Корейс муслмонлари федерациясига айлантирилди. 1976 йилда Сулда мамлакатдаги энг катта мечит қурилди. Бугунги кунда мамлакатда 20 мингга яқин муслмон бор.

**«ХОЛЛИВУД»ДАГИ ҲАНГОМА**

Савдо инспекторлари Москвада фаолият юритаётган, Арнолд Шварценеггер ва яна бир неча кино юлдузига тегишли «Холливуд сайераси» ресторанида текширув утказиб ҳайратдан ёқа ушлашди. Гамбургер, кетчуп ва беконларнинг истеъмолга яроқлилик мuddати утиб кетганига салкам бир йил бўлган бўлса, музлаткичлардаги гушнинг эса сифат сертификати йўқлиги маълум бўлди. Хуллас, «Холливуд»да овқатланаман, деб заҳарланиб қолиш ҳеч гапмас.

**ПЕШОНАСИ ШҶР ЭКАН**

Россияда буюртма асосидаги қотилликлар қаймайяпти. Яқинда Москвадаги «Галичино» ва «Винси гранд» казиноларининг ҳаммуассиси Г.Кириини уйининг олдига отиб кетишди. У машинасида дусту билан гаплашиб утирганда номаълум киши келиб, Таллин кучасига қандай боришни суради. Жаноб Кириин унга йўлни кўрсатиш учун машина ойнасини туширишда пешонасида уқ еди. Кириин сураганларга катта миқдорда қарз бераверарди. Ана шу қарздорлар ушдан кутулишни хоҳлаб қолган бўлишса ажабмас.

**ДИПЛОМАТНИ ҚАМАШДИ**

АҚШда маст ҳолда машина ҳайдаб 17 ёшли қизни босиб кетган ва улимга сабаб бўлган грузин дипломати Г.Махарадзе устидан суд тугади. У 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзе газетга интервью бериб: «Одатда АҚШда бундай жиноят учун 21 йилга ҳукм қилишарди. Янаям Махарадзега ён боишди», — деди.

*Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди*



*Хурмати халқовимиз МҶРҶВ-ЛАЙХОН!*

Сизни 7 феврал — тугидан кунингизнинг 50 йиллиги билан чин юракдан табриқлаймиз. Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, оилангизга бахт тилаймиз. Фарзандларингиз ва сеvimли неварангиз Баҳодиржоннинг бахтига доим омон бўлишингизни яратган Аллоҳдан сураб қоламиз.

**Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» АЖ жамоаси**



*Меҳрибон ва сеvimли онажонимиз ОЗОДАХОНИ!*

Сизни ҳаётингиздаги қувончли кун — таваллуд айемигиз билан самимий муборакбод этамиз. Оилангизга тинчлик, рузгорингизга кут-баракка, унчигизга эса соғлиқ-саломатлик, бахт, энг эзу орзу-ниятларингиз рублига чиқсин тилаймиз. Фарзандларингиз роҳатини қуриб юринг, деб

**сингилларингиз Гулноза, Гулнора, Камола, Наргиза, Умидо, Юлдуз**

*Хурмати устозимиз, ҳастимиз ва қадрдонимиз ҶҶҶҚҶР ака!*

7 феврал — таваллуд топган кунингизнинг 60 йиллиги билан самимий табриқлаймиз. Ҳаётингиз 40 йилдан ортиқрогини пойтахтимиз аҳолисига зие тарқатишдек олижаноб ишга бахшида этган сиздек инсон билан фахрланамиз. Сизга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, оилангизга бахт-саодат тилаймиз.

**Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» АЖ жамоаси**



*Ўзбекистон радиосининг муҳбирини, аъин акажонимиз Зокирфкан ҶҶЗИҚОВЭВИН*

туғилган кунлари билан табриқлаймиз. Илоҳим, ҳамиша соғ-омон юрсинлар.

**Укалари Шокиржон, Жасурбек, сингиллари Нигора, Жамила**

*Хурмати келтишимиз ҶҶМҶИҶИСО!*

Сизни февралда нишонланган 30 ешингиз билан табриқлаймиз. Сизга тан соғлиқ, узоқ умр, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

**Қайинсингилларингиз Фотима, Зухра, Гулзия ҳамда куйларингиз Қудрат, Иззат, Бобир**

*Муҳтафара онажонимиз Шайхон МАХМУДОВЭВА!*

Биз Сизни 6 феврал муборак 51 ешга тулган таваллуд айемигиз билан қутлаймиз! Сизга узоқ умр, бахту-саодат тилаймиз, илоҳим, меҳрингиз қуёши оиламизни тарқ этмасин!

**Биз билган жаҳоннинг Қалъаси онам, Оила баҳтимиз тавқари Онам, Бостан изингизга қилйлик таъзим, Биз учун дунёда азиз, яғонам.**

**Фарзандларингиз Ашиер, Собир, Рашид, Дилфузахон**



**ТАРБИЯНИНГ ЗАВОЛИ**

**Муносабат**

Газетада чоп этилган «Қабоҳат искан-жаси» сарлавҳали мақолани ўқиб, беихтиёр шу мақолада тилга олинган мазву ҳақида фикр билдириш истаги туғилди.

Мақолада баен этилган воқеа қалб кузи юмўқ айрим ота-оналарга сабоқ бўлиши керак. Чунки бола қушроқ эпитганига эмас, қурганига ишонлади. Бола сизу биз катталар каби қурганини «элакдан утказиб» саралаб қабул қилмайди. Улар нимани курса, шундай тушунади, «хаётда шундай», деб биллади.

Уғил-қизинг, келин-неваранг билан телевизор қуриб бўлмай қолди. Телевизорни қуйишингиз билан ур-йиқит кино, шармез ишлар. Эрак ва аелнинг интиям муносабатлари бора-бора оддий нарсига айланиб борапти чамамда.

Экранда эрак киши аелни кучоқлаб ўлиб қуйиши, уни тушакка этқизиши оддий ва биров уят қилмайдиган ҳолга айланиб қолди. Авваллари ёшлар, айниқса, буйи етган қизлар буса ҳақида ҳатто эпитишдан уялар эди. Ҳозир эса...

Айниқса, бу борда тижорат теледестурлари «уюлқни қулдан бермай» келишяпти. Мана бизнинг Фаргона водийсида тижорат телевидениелари ёмғирдан сунтти қузиқоринди» болраб кетган.

Эфирга чиқиб водий буйича курсатув олиб борадиган 10-12 та тижорат-реклама телевидениелари бор. Улар худонинг берган куни эрталабки соат 6 дан бошлаб, тунги 1-2 га қалар бетиним курсатувлар беради. Бу курсатувларнинг қуйини шарм-хаёсиз, ур-йиқит, қотилликлар акс этган кинолар ташкил этади. Натижанда болалар буш вақтларида китоб, газета, журнал ўқиш урнига телеэкран қарши-сида соаглаб термулиб утиради.

Уларнинг ҳаммасини ҳам ота-онаси тергаб оломайди. Чунки қуллари мақолада келтирилгандай, у еки бу юмўш билан банд. Ана шунинг учун ҳам айрим болаларнинг қалби суқир бўлиб усапти. Тилинган ортиқ гапирсанг лунжингга туширишдан тоймайди.

Ёшлар орасида кейинги пайтларда ичкилик ва чекишга ружу қуйганлар қулпайиб кетди. Унга ҳам бир жиҳатдан

телевидение айбдордек. Мактабда, оилада, маҳаллада болага «чекма» дейилади. Телевидиелда эса худонинг берган куни эълон: «Агар сиз Хон» сигаретасини сочиб олсангиз...», «Холливуд» лаззатидан бебаҳра қолма», «Пал Матль» — Америка билан учрашув» ва ҳоказо. Бугун мамлакат буйлаб таълим соҳасини ислоҳ этиш, тарбияни яхшилаш йулида ҳаракат қилинаётганини нима-ю, бу каби тарбиянинг заволи булаётган фильмларга реклама ва эълонларга йул қуйилаётгани нима?

Бундай телевидениеларнинг фаолиятини тартибга солидиган бирор бир меъсрий ҳужжат бормикан узи? Еки улар билганини қилишни, хоҳлаганини курсатиши мумкинми?

**Т.ҚУРБОНОВ,**

*Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Фаргона вилояти*

Тошкент шаҳар, Чилбнзор тумани 281- урта мактаб томонидан 1997 йилда Муротова Камолага берилган ОР-Д 002771 рақамли шаходатнома йуқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

Шайхонтохур гуманидаги масъулияти чекланган «Элим хандаси» фирмаси **туғатилади**  
Даъволар эълон чиққанлан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.  
Тел: 41-05-05.


**«ТОШКЕНТ ЛОК-БУЁҚ ЗАВОДИ»**

Марказий Осиёда шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона. Бу соҳала 50 йиллик тажрибага эга. Буёқ идишидаги қоғозда цехнинг тартиб рақами, фамилия, ой ҳамда йил курсатилган бўлсагина ҳақиқий завод маҳсулоти ҳисобланади.

**СОТАДИ (нархи бир тоннаси учун, қўшимча қиймат солиғи билан бирго)**

Саноат маҳсулотлари:

- НЦ-219 локи, меbel учун-298.000 сум.
- БТ-51 локи-41.300 сум.
- «Оксол» олифи-150.000 сум.
- ПФ-115 эмали, кук, туқ жигар, туқ яшил, пистоки, қизил, қора рангли - 160.000-220.000 сум.
- ПФ-266 эмали, сарғиш жигаранг-212.400 сум.
- ПФ-191 оқ эмали - 242.000 сум.
- ПФ-223 оқ эмали - 224.000 сум.
- ПФ-1147 эмали, туқ яшил;
- Йулларда ҳошия чизишда ишлатиладиган эмал- 177.000 сум.
- Том учун буёқ - 153.400 сум.
- КЧ-2141 эмали, оқ, очик кук, очик пистоки;
- МА-22 буёғи, очик кук - 200.600 сум.
- ВД-АК-229 сув-эмулясия буёғи, оқ -73.400 сум.
- ГФ-0163 -118.000 сум.
- КБ буёғи - 35.400 сум.



Халқ истеъмоли моллари:


- ПФ-223 оқ эмали, 4 кг ли идишда - 218.300 сум.
- ВД-ВА-2245 буёғи, оқ, 5-7 кг ли идишда;
- ПФ-266 сарғиш жигаранг эмал, пол учун, 3 кг ли идишда - 212.400 сум.
- ПФ-191 оқ эмали, 3 кг ли идишда - 242.000 сум.
- «Оксол» олифи - 150.000 сум.
- Том учун буёқ - 160.000 сум.

**Чекланмаган миқдорда сотиб олади:**

- Глицерин;
- -0.8 КППи пўлат туғука, 0.5 мм, 0.8 мм, 1 мм;
- Пантэаритрит;
- -Фтал ангедрид;
- № 25 ли оқ туғука;
- Пўлат чикитлар (лом);
- Пўлат туғука, қалини.

**ТЕЛ: 68-79-45**

**ТЕЛ: 68-73-32, 68-39-74, 35-34-51**



**Манзил: Тошкент, Содиков кўчаси, 9.**

# МОҲИРА БИЛЛ КЛИНТОН БИЛАН УЧРАШАДИ

Хур элим фарзандлари

Очили, Моҳира имтиҳонлардан утиб кетишига унча ишончим йўқ эди. Истеълодига, билимига ишонардиму, аммо «таниш-билишчиликнинг» мстин «қоялари»ни ёриб утиши даргумон туюларди. Катта пойтахтнинг казо-казолари фарзандлари юз бир имкониятлардан бекамикуст фойдаланиб имтиҳонга тайёр турганда фарғоналик ҳайдовчи Раҳимжон билан ҳамшира Азизахон Қурбоноваларнинг Моҳираси... Инглиз тилини атиги бир йил ўқиган, респетитордан нари-бери сабоқ олган Моҳира...

Бу тарозимнинг бир палласи, иккинчи палласида эса шу нозик қизгина қалбини еритиб, унга қудрат бериб турган пухта билим турарди. Она-бола Тошкентнинг Мирободини топиб боргунларича... адабларини ёйишди. Автобуса-автобус, троллейбуса-троллейбус юриб имтиҳон бошланишига дақиқалар қолганда етиб келишди. Моҳира «болешик» киборларга ҳам, «иномарка» машиналар сафига ҳам нарво қилмай, имтиҳонга кирдикетди. Азизахон пурим кийимлари бикир турмушдан далолат бериб турган, чор атрофга кўзойнақлари оша кибр билан боқувчи хониму жанобларга бирма-бир боқиб, ҳафсаласи пир булиб борарди. «Қарз-ҳавола билан, шу боланинг гапига кириб келганимга яраша, ноумид қилма Худо».

— У замонлар утган, аяжон. Кўрасиз, ҳали мен Америкага бораман. Калласида билими борлар уқийди энди, пули борлармас, — энгди уни қизи.

«Моҳира биринчи босқич имтиҳондан утганини айтиб енимга келганда қизимдан ҳам ортиқ севибдим. Юз-кузларидан утиб, қолган синновларда омад тиладим. У эса жуда босик, жула вазмин. Чет эл мусикаларига эчкидай сакраб уйновчи тенгдошларига мутлақо ухшамайди. Катта-катта чиройли кузлари жиддий боқади, уларга қараб «кузларингда қачон кулги кўрарканман» деб уйлардим».

Ушал кун келди. Азизахоннинг дилбандидан келган хатларни, суратларни кузатарканман «американ гел» — Моҳира кузларида кулги, шодлик кўрдим. — Кечаси соат учларда уйғониб кетсам, хонасининг чиройи ёқилган, учирмай ухлаб қолибди-да, деб кирсам, йўқ дарс қилиб утирибди. Уқияман, деб китобга епишиб олмасди, рузгор ишлари унинг елкасида, ҳали ширин-ширин овқатлар пиширган, ҳали уй йиғилтирган, ҳали укаларига дарс қилдирган. Ишқилиб, худойим ноумид қилмади.

Ха, Моҳира мақсадига эришди. У, Фарғона шаҳридаги 25-урта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Моҳира Қурбонова АК-СЕЛ йўлланмаси билан Америкага йўл олди. Мана унинг хатларидан сатрлар:

«... Уйимиз сулим ўрмон ортидаги кичик, шинам Жексонвил Арканзас штати шаҳарчасида жойлашган. Дадажонимни эслатиб турадиган отам бор, у таниқли Мейринкорд — ҳарбий хизматчи, онам эса осиелик. У ёш қуринади, турт боланинг онасига ухшамайди. Шунинг учун келганимдан бери менга гузалликдан дарс беради. Оилам ҳам бизга ухшаб иссиқ таомни (айниқса, гурунчи) кун ёйишади, онам чойсиз туролмайди. Сингилларим билан жула иноқман. Катта синглим

Кристл — 10 ёшда, аммо уйни катталардай тутайди. Ровейн-Нико — 3-синфда, жуда қобилиятли, кичкина синглим Лиандра 6 ёшда, укам Клинтон беш ёшда, яқинда мактабга боради. Уқиниша мактаб автобусида бораман. Эрталаб соат 7 ларда эшитимиз олдида тўхтайдим, дарелардан сунг шу ерга ташлаб кетади.

... Уқитувчиларимнинг севибли ўқувчисиман. Дусларим куп. Арабистонлик дусларимга арабчадан пича билишимни намойиш қилдим. Қойил қолишди. Испан тили уқитувчимиз бу тилни жуда тез урганаётганимга ўзи ҳайрон, мени иқтидорли ҳисоблайди.

Келаси яқшанба худо хоҳласа Вашингтонга кетаяман. 3 минг ўқувчи уқийдиган мактабдан 11 ўқувчи кетаямиз. Америкада 1-синфлар алоҳида, икки, уч ва ҳокзо синфлар алоҳида мактабда уқийшаркан. Саккиз кун мобайнида Вашингтонни томоша қиламиз. Насиб қўшса, Билл Клинтон билан учрашамиз.

Шанба дам олиш кунини онам ҳаммамизни роликда учгани олиб борди. Мусиқа, қушқилар ролик майдонини жонлантириб юборди. Кечгача ролик учишни урганиб олдим.

... Укаларимни яқшанба мактабига ташлаб, ота-онам билан магазинга бордик. Магазинда нима десангиз бор: ширинликлар, консервалар, мевалар — узум, анор, олма, қовун, тарвуз, бодринг, қўлпўнай, анжир... ишқилиб йўқ нарсаинг ўзи йиқ. Ҳаммаси тоза, янги, сара.

Испан тили уқитувчим мени ута талантли ҳисоблаб қўшимча дарелар берапти. Ҳозирча ҳамма дарелардан иккита «4» бор, қолгани «5» Хулоға шукур!

Мақтабимнинг менга жуда ёққан шундаки, ҳар кун дарс жалвалари, дарс вақти узғариб туради. Турли-туман кечалар уқазилади. Душанба кунини эги-зақлар кунини, деб эълон қилинса, ҳамма узига ухшаган шерик топиб, у билан бир хил кийиниб келади. Жума кунини тескари кун бўлди — қизлар уғил болача, уғил болалар қизлардақа кийим кийишди. Айниқса, уғил болаларнинг бўяниб парик кийиб, калта қуйлак кийиб, пошна тўғлида, сирғаларини селкиллаб, ноз билан юришларини қуриб қотиб-қотиб кулдик. «Рангли кун»да ҳамма масҳарабозга ухшаб кийиниб келди. Кеча «юлдузлар кечаси» муносабати билан дарс утмадик. Кечанда ҳамма қизлар зўр кийиниб келиши керак, энг чиройли қиз шу кечанинг юлдузи булади. Дарс бўлмаган кунини уқитувчилар узлари синфда уйин уюштириб, ҳар хил томошалар қуратишади.

Вақтим борида шёр эзишга ҳаракат қилияман, балки олдингидай яхшимасдир (Моҳира чиройли, фалсафий шёрлар эзали), айрим сўзлар учун

соатлаб бош қотириб сўз танлашга тўғри келди:

**Саҳарларда булбул сайраган,**  
**Она юртим — Фарғонамни соғиндим.**  
**Кўнгли очик, меҳмондўстим — халқимни,**  
**Кўзи йўлда экон — онамни соғиндим.**  
**Бахтада бирга, гандо бирга елкадош**  
**«Оқ йўл» деган хур элимни соғиндим.**  
**Авлодларим гурур билан мадҳ этган**  
**Қонга синган экон тилимни соғиндим.**  
**Аяжон, биламан, соғингансиз. Ушбу шёр сизга аталган:**  
**Соғингансиз,**  
**узқилигимга кўнинг,**  
**Кўз ёш соғингача дармон эмасдир.**  
**Кўз ёш соғингача дармон эмасдир,**  
**Келажакка боқиб, орзуманд кулинг!**  
**Соғинган Моҳиранинг.**  
**АҚШ, Арканзас штати.**  
**Литл Рок шаҳри.**  
**Маҳфуза УСМОНОВА,**  
**Фарғона**



Моҳирахон (ўртада) америкалик укалари даврасида

## ЁЛФИЗМАССАН, СИНГИЛЖОН!..

Бу қўхна ҳаётнинг қувончу ташвишлари бисёр. Кимгадир толе ёр бўлса, кимнингдир тақдирига ачиқ қисмат ёзилар экан.

Маҳбуба ҳам умр йўлдоши Умматали билан ун беш йил севиб-севилиб яшади. Бутун эса... Умматали йўқ. Бевақт улим Маҳбубанинг ёстигини совутди. Бироқ севишли ёрига бўлган муҳаббат Маҳбубанинг қалбидан гам-андухни сиқиб чиқарганди.

Бир кунини унга қайнонаси ерилди: — Қизим, илданг ҳам утди. Ёшсан, рузгор қилсанг ёмон бўлмасди...

— Бувижон, турмуш қуриш ҳақида гапирсангиз мени ранжитасиз. Унда мен узингиз ружини чирқиратган, сунмаган севишимиз оёқ ости қилган бўлмайманми? Узингиз ҳаминча қалбимда. Болаларим унинг ниҳоҳи билан буй ҳузупти. Мен онаман, қолган умримни фақат болаларимга бағишлайман, — леда Маҳбуба.

Ха, бардosh ҳақида гапирганда вафодор аелларимиз сабрига тенг келадиганлар топилмас керак. Уз оиласи шаъни, вафо бодила филоийи шундай аеллар борлиги тўфайли олам чароғон, файзли бўлиб турган бўлса не ажаб!

**Мухторжон ҚОСИМОВ,**  
**Бувайда тумани,**  
**Дўстлик жамоа хўжалиги**

## УЛУҒ ДАРГОҲДАГИ ЖИНОЯТ

Оёгинга болта урма.

Масжид муқаддас жой ҳисобланади. Чунки, бу ерда намоз ўқилади. Мақсад — гуноҳлардан фориғ бўлмоқ. Ҳатто, масжидни туш қурмоқ хосиятга ҳисобланади. Шу билан бирга муборак ҳадиси шарифларда «ҳар бир мусулмонга ҳалол ризқ исташлик фарзидир», дейилган. Купчиликнинг омонатига ҳиёнат эса қабиҳлик. Аммо...

Турсунов Эргаш 1926 йили Тожикистонда туғилган. Сирдарё шаҳар маданият уйида қоровул бўлиб ишлаган, 6 нафар фарзанди бор. Муқаддам икки марта судланган.

Мирзияев Мирвоҳит — 1960 йили туғилган, миллати тожик. Сирдарё шаҳрида ишчи бўлиб ишлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Мирзияева Зайнаб — 1970 йили Сирдарё туманида туғилган, уй бекаси. Қорабосва Мавлуда — 25 ёшда. Сайхунобод туманида туғилган, ишчи бўлиб ишлаган...

Утган йилнинг ноябрида имонини унутган бу уюшган гуруҳ бир неча бор Сирдарё шаҳридаги «Янги ҳаёт» масжидига уғирлик (е тавба)ка киришди.

Во даруго, мусулмон була туриб ҳаёо иймонини ютиб, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда беваю бечора, етиму есирларнинг ҳақиға кўз олайтиришганида эс-хушлари жойидамиди? Хуллас, воқеа қўйидагича содир бўлди:

Пичок, темир, арматура ва болта билан қуролланган осий бандаларнинг икки нафари шом номози бошлангани биланок масжид ҳожатхонаси яшириниб олишди. Номохонлар тарқалишди, кунглида шайтон васваси қужгон уйнаган икки нафар киши қоровулга «калит қолиб кетибди», дея ёлгон ишлатиб ичкарига киришди. Сунг Мавлуда узидек бир мумина билан пайдо бўлди. Ва (е алҳазар!) қўлидаги пичоқни қоровул Т. Нарзуллаевнинг буйнига тиради. Инсонийлик қиёфасини унутган бу кимсалар балои нафе йўлида ҳимоясиз қоровулни улдириш учун арматура билан уриб ерга ётқизиб ташлашди. Унинг чунтагидаги 11400 сўм пулни, номохонларга сотиш учун олиб келинган 15 жуфт қалишни, 4 дона телпак ва эркаклар туғлиси каби жами 24100 сўмлик буюмларни босқинчи

чилик йўли билан тортиб олишди. Сунг болта ёрдамида хайрия пуллари сақланадиган қутчаларни бузиб, 34040 сўм хайрия пулини ҳам олишди. Шунингдек, масжидга тегишли бўлган чит, духоба, атлас, оқ сурп (кафанликни-я), сочиқ, дастурхон каби 11 турдаги жами 14440 сўмлик буюмларни зуравонлик билан олиб чиқиб кетишди.

Масжид одамлар покланадиган, нене умиллар, дилдаги орзулар билан ибодат қилинадиган муқаддас даргоҳ. Иймони бутун инсон ҳатто унинг битта гиштини олишга ҳам қўрққади. Хўп, уғрилариинг қора қилмишидан ҳеч ким хабар топмади ҳам дейлик. Аммо нафси ҳақалат отган бу кимсалар Аллоҳнинг назаридан қаёққа қочиб қўтиладилар? Ахир инсон зотиға сунгги мукофотни ҳам, жазони ҳам ёлғиз Яратганининг ўзи беражанини бу фоғил бандалар наҳотки билганимади экан?

**Абдурашид АБДУРАИМОВ,**  
**Сирдарё вилояти**  
**прокуратурасининг катта**  
**терговчиси**

**Алиментни вақтида оламан. Лекин кичик фарзандим оғир хаста. У қўшимча моддий ёрдамга мухтож. Собиқ турмуш ўртоғим бу борада ёрдам бериши лозими?**

**Т. Пулатова**

Болаларига нафақа (алимент) тўлаётган ота ёки она Узбекистон Республикаси Никоҳ ва Оила кодексининг 99-моддасига асосан фавқулодда ҳолатлар — боланинг касал бўлиши, майиб бўлиб қолиши, узоқ жойларга

## ОИЛА ВА НИКОҲ

Саволларга ҳуқуқшунос Р. Ҳаққулов жавоб беради

бориши ва шу кабилар натижасида қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин.

Бундай харажатларда иштирок этиш миқдори, ота-онанинг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олиб, қатъий суммада белгиланади.

**Нафақани (алиментни) менга собиқ турмуш ўртоғим ўртача ойлик маошидан тўлаб келмоқда. Лекин у барча даромадларидан тўлаши лозимлигини танишларимдан эшитиб қолдим. Шу тўғрими?**

**Д. Жаҳонгирова**

Узбекистон Республикасининг амалдаги Никоҳ ва

**Ҳуқуқий дарсхона**

Оила кодексининг 100-моддасига асосан жавобгарнинг барча даромадлари, яъни ойлик маошидан, қўшимча топган даромадларидан, тижоратдан олинган фойда, иш вақтидан ташқари ишлаб топган даромадидан ундирилиши лозим. Чунки суд алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қароридан шу кодекснинг 95—96-моддаларига асосланиб қарор чиқаради.

**XX аср:**

**ҳодисалар силсиласи**

**РАШКДАН ПОЕЗДНИ ПОРТЛАТДИ**

70—80 йилларда халқаро ҳамжамиятни ларзага солган қатор жиноятлар содир этган, дунёга машҳур террорчи Рамирес Санчес Илич (у купроқ Карлос ва Шоқол номлари билан танилган) ҳамон аёллар эътиборида. Тарихга назар ташласак, у 1975 йил Парижда икки полициячи ва уларнинг хабарчисини ўлдирганда Франция ва Буюк Британия полициячилари террорчи билан яқин муносабатда бўлган ун нафар аёлни аниқлашганини курамиз. Унинг Франциядаги ўқишини колумбиялик гузал хоним Ампаро Силва Масела таъминлаб турарди. Яна бир колумбиялик аёл, адвокат Мария де Ромеро уни ўзининг Лондондаги уйида ҳуқуқ идораларидан яшириб юрган. Париждалигида Карлос венецузалик икки гузал билан бир квартиралда яшаган. Улар Карлос учун нафақат жазмап, балки жиноятларига шерик ҳам эди.

1982 йилда хотини Магдалена Копп камалганда Илич Франция маъмурларидан хотинини қўйиб боришни талаб этди. Рад жавобини олгач, Париж-Тулуза поездини портлатиб юборди. «Карлос ҳеч қачон кимларгадир хизмат қилмаган, у доим ўзи учун ҳаракат қиларди. У мафтункор йигит, лекин мени чинакамга севмаган», — дейди бугун Магдалена хоним.

90-йилларнинг урталарида, Суданда яшириниб юрган даврида Карлос ислом динини қабул қилди ва иорданиялик Лопо Абдул Салом Аҳмад Жаррага уйланди. Карлос Жарлохнинг муқаддас каломи Куръони карим ва пайгамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) нинг муборак ҳадисларига сузсиз амал қиладиган солиҳ мусулмон бўлмагани унинг куплаб оғир жиноятлар содир этгани каби аниқ. Масалан, 1973 йил Париждаги «Друстор» дуқонини портлатиб, икки кишининг ўлимига ва 34 кишининг жароҳатланишига сабаб бўлди. 1975 йил декабрда Венада нефт экспорт қилувчи мамлакатларнинг 11 нафар вазирини гаровга олди. Мюнхен олимпиадасида исроиллик спортчиларнинг ўлимига сабаб бўлган террор ўтказди. Хуллас, 49 ёшли Карлос камда ўттиз йилга, булмаса бир умрга қамалиши тайин. Париждаги ҳуқуқ саройида давом этаётган суд жараёнида қораловчилар ана шундай жазо талаб қилишяпти.

## НАСОФАТ

**Астағфируллоҳ!**

Ҳеч ким онасидан пиёниста бўлиб туғилмайди. Иродаси суёт кишиларгина унда-мунда қиттак-қиттак қилиб шу дардга мубтало бўладилар. Уларнинг табиатида шира-кайфлик, улфатбозликка мойиллик кучаяди.

Турмушдан маълумки, бундай кишилар атрофдагиларнинг тинчини угирлаб, турли кунгилсиз воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўладилар. 1997 йил давомида Янгйер шаҳар ҳушёрхонасига 1852 та ана шундай киши «меҳмон» бўлди. Булар орасида 312 киши эса икки ёки ундан ортиқ марта ташриф буюрганлар руйхатига кирарди.

Бир марталик ташрифдан тугри хулоса чиқармаганлардан 115 нафари Гулистон шаҳридаги вилоят наркологи диспансерида жунатилди. 7 киши Самарқанд ва Жиззах шаҳарларидаги меҳнат-даволаш профилакторийларига юборилди. Утган йил мобайнида тиббий ҳушёрхонага тушганларнинг 164 нафарини аёллар ташкил этади. Аёллик

шаънига доғ тушириб, тез-тез «меҳмон» бўлиб турадиган Татьяна Семшикова, Ирина Сухинская, Венера Кириллова, Валентина Бадалина кабилар орасида... узбек аёллари ҳам борлиги гоёт ачинарли ҳол. Улар — Г. Мавлонова, И. Маматқулова, М. Ашурова, Д. Ашурова, З. Бердиқулова ва А. Мелиқузиева кабилардир. Нодирабегимнинг, Увайсий ва Зебуннисонинг авлодлари бўлмиш миллатдошларимиз ҳақиқий узбек аёлига хос булган ҳаёни, ибони, назокатни, латофатни йуқотишган.

Ичкиликбозлик — даволаш қийин булган касалликдир. Бир зарба билан уни енгиб бўлмайди. Шунинг учун турли йуналишларда йиллар давомида пухта мувофиқлаштирилган изчил курашни авжига чиқаришни нафақат маъсул кишилар, балки кенг жамоатчилик ҳам ўз зиммасига олмоғи керак.

**Ҳамроқул ПАРДАЕВ,**  
**Янгйер шаҳар ИИБ тиббий**  
**ҳушёрхонаси бошлиғи, милиция**  
**капитани**



**Абду Фани ЖУМА олган сурат**

**Э, қойил!**

## ХУРРАКНИНГ ДАВОСИ БОРМИ?

**Америкалик олимлар хуррак овозини ўчирадиган янги аппарат ихтиро этишганини маълум қилишди. У ташқи кўринишдан чақалоқларнинг сўргичини эслатади ва хурракчи уйкуга ётиш олдида уни оғзига солиб олиши керак. «Сўргич» нафасни роствлайди ва хурракка йўл қўймайди.**

**Англиялик врач Харвей Френк эса уйкуга ётиш олдида қаттиқроқ бирор дарахт чўпини чайнашни маслаҳат беради. «Шундай қилинганда, — дейди жаноб Френк, — юз, буйин ва томоқларнинг мушак ва пайлари толиқади ҳамда хуррак ўз-ўзидан барҳам топади».**

## ЭШИТМАСАНГ, ЎЗИНГГА...

**Тиббиёт оламида**

Тукувчилар, темирчилар, метро поездлари ҳайдовчилари ва аэропортларнинг хизматчилари қулоқ оғригидан ниқоят қилиши табиий ҳол ҳисобланади. Чунки бу уларнинг касб касалиғи, яъни иш жойидаги шовқин-сурон қулоқ пардаларининг шикастланишига сабаб бўлади. Кейинги пайларда уларнинг сафига ёш-ёш йигит-қизлар ҳам куплаб қўшилмоқда. Бунинг сабаби нимада? Мутахассисларнинг таъкиллашича, бунинг бари модага берилишининг — аудиоплейердан қулоққа тикиладиган карнайчалар орқали мусиқа тинглашнинг оқибати. Солиштириш учун: тукувчилик деҳида шовқин даражаси 90—100 децибел, дискотекада 80—100 децибел, ҳавога кутарилаётган самолётда 120 децибелга тенг бўлса, плейер овозининг

кучи 114 децибелга етади. Куполроқ қилиб айтганда, самолёт бир қулоқдан кириб иккинчисидан чиқиб кетаётгандек тасаввур уйғонади. Бу эса эшитиш нервларининг кун сайин емирилиб, улиб боришига, эшитиш, қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади. Агар плейердан мусиқа эшитаётган пайида жамоат транспортда кетаётган, бунга қўшимча тарзда сақич ҳам чайнаётган бўлсангиз, қулогингиз оғирлашиб қолиши эҳтимоли янада ортади. Чунки бунда мусиқа товущига транспорт шовқини ҳам қўшилади, сақич чайнаш эса қулоқ пайларини ҳаракатга келтириб, товущини турлича баландиқда утказарди.

Айтмоқчимизки, ҳар нарсада меъёр булгани яхши.

**Силва**

Муассисларимиз: Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар кумитаси, Болалар жамгармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамгармаси

**Шioriмиз:**

**Оила - жамият фахри**

**БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ**

Телефонлар:  
Бош муҳаррир - 133-28-20  
Котибият - 34-86-91  
Эълолар бўлими - 136-56-52

**МАНЗИЛИМИЗ**  
Тошкент- 700000,  
Амир Темуր кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил Тошкент, Буюк Турун кўчаси, 41- уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 19.30

**Хомий**  
**«Матбуот тарқатувчи»**  
**акциядорлик жамияти**

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176  
ташкilotлар учун 177  
Руйхатга олиш № 33  
Буюртма Г- 0997  
29711 нусхада чоғ этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Чоршанба кунлари чиқади.  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Навбатчи Комил ТОШ